

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA’LIM VAZIRLIGI**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

10.2020

**научно-методический журнал
Издаётся с 2001 года**

Urganch – 2020

Bosh muharrirdotsent **Ro‘zimboy YO‘LDOSHEV**

	TAHRIR HAY‘ATI:
JURNAL 2001-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN	ABDULLAYEV Bahrom, fizika-matematika fanlari doktori, ABDULLAYEV Ikrom, biologiya fanlari doktori, professor, ABDULLAYEV Ilyos, iqtisod fanlari doktori, ABDULLAYEV Ravshanbek, tibbiyot fanlari doktori, professor, ABDULLAYEV O‘tkir, tarix fanlari doktori, ANNAMURATOVA Svetlana, pedagogika fanlari doktori, professor, BOBOJONOV Bozorboy, fizika-matematika fanlari doktori, BERDIMUROTOVA Alima, falsafa fanlari doktori, professor, DAVLETOV Sanjarbek, tarix fanlari doktori, DO‘SCHONOV Tangribergan, iqtisod fanlari doktori, professor, HAJIYEVA Maqsuda, falsafa fanlari doktori, IBRAGIMOV Zafar, fizika-matematika fanlari nomzodi, IMOMQULOV Sevdior, fizika-matematika fanlari doktori, JO‘RAYEV Mamatqul, filologiya fanlari doktori, professor, JUMANIYAZOV Maqsud, texnika fanlari doktori, professor, JUMANIYOZOV Otaboy, filologiya fanlari nomzodi, professor, KALANDAROV Aybek, filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (mas‘ul kotib), NAVRUZOV Qurolboy, fizika-matematika fanlari doktori, professor, OLLAMOV Yarash, yuriduk fanlari nomzodi, dotsent, OTAMURODOV Sa‘dulla, falsafa fanlari doktori, professor, PRIMOV Azamat, filologiya fanlari nomzodi, dotsent, QUTLIYEV Uchqun, fizika-matematika fanlari doktori, professor, RO‘ZIMBOYEV Safarboy, filologiya fanlari doktori, professor, RO‘ZIYEV Erkinboy, pedagogika fanlari doktori, professor, SADULLAYEV Azimboy, fizika-matematika fanlari doktori, akademik, SADULLAYEVA Nilufar Azimovna, filologiya fanlari doktori, SAGDULLAYEV Anatoliy, tarix fanlari doktori, professor, SALAYEV San‘atbek, iqtisod fanlari doktori, professor, SALAYEVA Muxabbat Soburovna, pedagogika fanlari doktori, SATIPOV G‘oipnazar, qishloq xo‘jalik fanlari doktori, professor, XODJANIYOZOV Sardor, pedagogika fanlari nomzodi, dotsent (bosh muharrir o‘rinbosari), YOQUBOV Jamoliddin, filologiya fanlari doktori, professor, O‘ROZBOYEV Abdulla, filologiya fanlari doktori, O‘ROZBOYEV G‘ayrat, fizika-matematika fanlari doktori, G‘AYIPOV Dilshod, filologiya fanlari nomzodi, dotsent.
JURNAL OYDA BIR MARTA NASHR QILINADI	
2020 10(160)	

MUASSIS: Urganch davlat universiteti. Jurnal O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi Xorazm viloyat boshqarmasida 2011-yil 23-dekabrda ro‘yxatdan o‘tgan. Guvohnoma №13-020.

MUNDARIJA

21-OKTABR – O‘ZBEK TILIGA DAVLAT TILI MAQOMI BERILGAN KUN

Primov Azamat. Davlat tili – millat va davlat tayanchi.....	3
---	---

MATEMATIKA

Matyoqubov Ollabergan, Rozzaqov Temurbek. Koeffitsiyentlari kompleks qiymatli bo‘lgan dirak operatorlarining bitta sinfi uchun xill diskriminanti.....	6
Даужанов Анназар Шынназарович. Методические изложения элементов теории обобщенных функций.....	11

FALSAFA

Курбанов Джамшид Джураевич. Марказий Осиё мутафаккирлари илмий меросининг тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги фалсафий қарашлари.....	26
Мамаюсупов Умид Қурбонovich. Ҳозирги давр фани ва замонавий фалсафа тараққиётида илмий башорат муаммоси.....	30
Султанова Гулноза Сабировна. Креативлик, ижодиёт ва нораціоналлик.....	32
Эргашев Улуғбек Адхамович, Умурзаков Ахмаджон Махаматович. Динлараро бағрикенглик ғоясининг ҳуқуқий-ахлоқий асослари.....	35
Негматова Шахзода Шухратовна, Исхакова Шахло Исмоиловна. Ўзбекистонда диний туризмнинг ҳуқуқий асослари.....	37
Қаҳҳорова Матлюба Манововна, Юлдашев Серобжон Ўрмоналиевич. Ижтимоий-маданий технологиялар ва маънавий ҳаёт уйғунлиги.....	40
Шодиев Жаҳонгир Жўрақулович. Умар Хайёмнинг асосий асарлари ва рубоийларининг тузилиши, мазмуни ва таҳлили.....	44
Juraeva Nigora Avazovna. Geographical and Technical Patterns as Ontological and Epistemological Patterns of the Development of the Paradigm of Civilizations.....	47

TILSHUNOSLIK

Қосимова Мадина Зайнобиддиновна. XXI аср тилшунослигининг ютуқлари ва замонавий тилшуносликда фрейм ва гештальт масаласи.....	51
Tursunaliyeva Muslimabonu Abduvosit qizi. “Kitobu Bulgat al-Mushtak fi lugat at-turk va-l-qifchaq” asarining manbashunoslik tadqiqi.....	54
Ahmedova Hikmatxon. Сўз морфем таркибининг шакл ва маъно номутаносиблигига муносабати масаласига доир.....	56
Шаропова Раъно. Терминологик изохли луғатда терминни изохлаш масаласи.....	59
Kurbonova Ozoda. Lexico-semantic Features of Uzbek-English Anthroponyms.....	62

ADABIYOTSHUNOSLIK

Икромхонова Феруза. Тарихий асос ва жанрий муаммо.....	65
Жабборов Эшназар. Миллий уйғониш тафаккур инқилоби ва жаҳидчиликнинг маърифат қарашлари.....	70
Ражабова Раъно Зариповна. Адабий топишмоқларда халқ топишмоқларига хос жанрий белгиларнинг ифодаси.....	74
Rahimova Bekposhsha. Bugungi adabiy jarayonda xorazmlik yosh shoirlarning o‘rni.....	79

PEDAGOGIKA

Рашидов Анваржон Шарипович. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор тажрибалар.....	83
Қамбаров Мухриддин Зухридинович. Техника олий таълим муассасаларида “олий математика”дан дарс машғулоти ташкил этилишининг бугунги ҳолати.....	86
Исмаилова Шамсия Курултаевна, Бекпулатова Шахло Шодликовна, Чупанова Кувончой. Замонавий мактаб бошқарувида ижтимоий тадқиқотлардан фойдаланиш.....	92

Ходжаниязов Сардор Умарович, Абдуллаева Наргиза Ботировна. Талабалар эстетик маданиятини туризм воситалари орқали ривожлантиришнинг педагогик хусусиятлари.....	95
Ходжамкулов Умид Нигматович, Абдиримова Интизор Камиловна. Жамоавий лойиҳалар – ўқитишнинг самарали усулларида бири.....	98
Расулова Зилола Дурдимуротовна. Талабаларнинг креатив компетентлигини шакллантиришда инновацион педагогик технологияларнинг илмий-методик аҳамияти.....	102
To‘xtasinova Zilola Mukumovna. Loyiha ishi orqali talabalarda mustaqil ta’lim ko‘nikmalarini takomillashtirish.....	109
Максудова Гулноз Олимовна. Инглиз тилини ўқитишнинг инновацион технологиялари: анъанавийлик ва ноанъанавийлик.....	111
Куттибекова Гулжан Тулепбаевна. Бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялаш муаммолари.....	114
Ismoilov Bobur Toxirovich. Matematik hisoblashlarni suv yordamida tasavvur etish.....	117
Mahmudova Surayyo Azizovna. The Importance of Assessment in Teaching Foreign Languages.....	121
Daukaeva Khalida. Peculiarities of Teaching English for Specific Purposes to Students of Tourism University.....	123
Khalilova Lenie Fevziyevna. Efficient Use of Modern Technologies in Improving the Quality of Foreign Language Teaching.....	126
Yakubova Madina Kutfidinovna. Teaching Writing as the Method of Development of Individual Creative Thinking.....	129

INFORMATIKA

Раззаков Бахтияр, Рахимов Рахимжон, Жуманиёзов Сардор, Худайбергенов Темур. «Шарикли подшипник»ни Siemens NX 10 дастурида лойиҳалаш услуги.....	132
Худайбергенов Темур. Исследование 3D редакторов для изучения студентами вузов.....	136

ILMIY AXBOROT

Norova Gulsanam Maqsutovna. Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларида диалектал кўп маъноли сўзлар.....	139
Turniyazov Behzod Nigmatovich. Epistemik darajadagi kauzal munosabatlar.....	141
Нормаматов Султонбек. Элбекнинг этимологик кузатишлари.....	147
Turdimurodov Sirojiddin Eshqobilovich. Evfemizmlardan unumli foydalanishning ahamiyatlari.....	150
Турсунов Акмалжон Ҳамиджонович, Абдурахманова Дилрабо Қодиржоновна. “Бобурнома”нинг В.Штаммлер тажмиси хусусида.....	153
Джабборовна Матлуба Рустамовна. Саолибийда Жамшид сиймоси.....	156
Тангиров Низом Абдурахмонович. Ноосфера концепциясининг илмий-назарий муаммолари.....	158
Рахимова Гулсанам Аширбековна. Шеърлар таржимасида болалар руҳиятини қайта яратиш масаласига доир.....	161
Давлетов Икром Юсупович, Сапаев Умидбек Абдуллаевич. Олий таълим муассасаларида инновацион илмий муҳитни шакллантириш.....	168
Исакова Зилолахан Зокировна. Баҳо категориясида даражаланиш.....	171
Назарова Гулбаҳор Пирмановна. Британия фольклорида Эльф образининг генезиси ва бадиий талқини хусусида.....	174
Nishonova Shaxnoza Muhammadjonovna, Ismoilova Hilola Inomovna. Madaniy tafovutlarning transmaddiy madaniyatlararo aloqaga ta’siri.....	178
Alijanov Oybek G’anijanovich. Basketbolchilarning ruhiy tayyorgarlik asoslari.....	180
Болтабоев Ҳамидулло Ҳабибуллаевич. Болаларни соғлом турмуш тарзига йўналтиришда жисмоний машқларнинг асосий хусусиятлари.....	183
Мирбобоева Дилфуза Бахтиёрвна. Морфолого-синтаксические особенности речевых клише французского языка.....	187
Бакиров Поян Уралович. Книга в пословицах разных народов мира.....	190
Гаппарова Дилора Азимбаевна. Особенности перевода медицинской терминологии (на латинском, немецком и узбекском языках).....	194
Tuyboeva Gulnoza Kuvondik kyzy. Expression of Aesthetic Views in the Translation of Gazelles of Alisher Navoi.....	196

Ёшликдан ислом дини қонун ва кўрсатмалари билан озикланган, ундан рухланган кишининг театр санъатига бундай катта баҳо бериши улкан воқеадир. Зеро, ўша йилларда театр санъатига йўл очгани учун халқимизнинг севимли фарзанди Маҳмудхўжа Бехбудий домла Васлий ва бошқалар томонидан таъна ва дашномларга учраган эди. Шунга қарамай, Мунавварқори Бехбудийни қўллаб-қувватлади, унинг асари Тошкентда кўрсатилишида жонбозлик кўрсатди. Бу унинг дунёқараши ниҳоятда кенглигидан, билими салмоқдорлигидан, тафаккури теранлигидан далолатдир. Улуғ адиб бундай фикрга келишидан аввал тараққий этган, маданиятли халқлар ҳаётига чуқур назар ташлаган. Уларнинг ҳаётида театр санъати қандай ўрин тутишини ҳар томонлама ўрганган. Шу боис у ўзбек томошабинларига: “Биз шу зотларга (актёрларга) ва театрларга қандай кўз ила боқмоғимиз керак?” деган савол билан мурожаат қилган ва ўзи: “Муни ўрганмак учун биз ўзимиздан бошқа мутараккий миллатларга боқайлик: мисола, устимизда ҳоким бўлиб турган русларга, туркларга, немисларга, французларга, яҳудийларга ва бошқаларга. Кўп узоқ кетмайлик, энг яқин қўшниларимиз бўлгон татарларга ва Кавказ Мусулмонларига”, деб жавоб берган.

Агар ўтган асрнинг охири ва асримизнинг бошларида Шекспир, Шиллер, Виктор Гюго асарлари турк, озарбайжон тилларига таржима қилинганини, Л.Тольстой, А.Островский ва Н.Гоголнинг айрим асарлари татарчага ва шундан кейин ўзбекчага ағдарилганини ҳисобга олсак, унинг форс, араб, турк, татар, рус тилларини билишни эътиборда тутсак, Мунавварқори юқорида баён қилинган фикрларга чуқур кузатиш ва ўрганиш орқали келганига иқдор бўламиз. Бундан ташқари, у турк адиби Номик Камол, Абдулҳақ Ҳомид, Тавфиқ Фикрат, Озарбайжон фахри–Мирза Фатҳали Охундов, Ж.Маматқулизода, Н.Вазиров, М.Урдубодий каби драматурглар фаолиятини, татар файласуфларидан Ризоуддин Фадриддинов, Мусо Жоруллох, Зиёиддин Камолий асарлари ва ижтимоий-диний фикрларни яхши билган. Шу боис ўзбек томошабинларига Охундов ҳаётини ибрат қилиб кўрсатган. У Охундов туфайли катта ишлар амалга оширилганини таъкидлар экан, миллий театрни ташкил этган “Нажот” жамиятининг санъат “миллатнинг номуси ва обрусини ҳифз қилур”, деган хулосасига қўшилган. Мунавварқори Абдурашидхонов театр санъатига бузук одатларнинг бузуқлигини билмак” ва тўзатмак муассасаси, худди Бехбудийдек, “ибратхона” деб қаради. “Истиқлол қаҳрамонлари” сериясида чиққан ана шундай аниқ, ҳолисона, нодир маълумотларга мустақилликка келиб эришилди ва санъат соҳасида мустақиллик вақтида чиққан салмоқли китоблар қаторидан жой олди.

**Ражабова Раъно Зариповна (Ўзбек адабиёти кафедраси
мустақил тадқиқотчиси, Бухоро Давлат университети, Бухоро, Ўзбекистон)
АДАБИЙ ТОПИШМОҚЛАРДА ХАЛҚ ТОПИШМОҚЛАРИГА ХОС ЖАНРИЙ
БЕЛГИЛАРНИНГ ИФОДАСИ**

Аннотация. Мақолада ўзбек фольклорнинг энг қадимий, оммавий, анъанавий паремик жанрларидан бири бўлган топшимоқ жанрини, кейинчалик, ёзма адабиётда маълум муаллифлар томонидан ёзма шаклда шеърят қонуниятлари асосида яратилган адабий топшимоқларда халқ топшимоқларига хос жанрий белгиларнинг ифодаси далилланган.

Аннотация. В статье речь идет о самом древнем, массовом, традиционном паремическом жанре-загадке. Также отражены характерные для народных загадок жанровые признаки, свойственные литературным загадкам, созданным авторами по всем законам поэзии.

Annotation. The article proves that the genre of riddles, which is one of the oldest, mass, traditional parem genres of Uzbek folklore, later in the written literature, the literary riddles created by famous authors on the basis of the laws of poetry in writing, reflect the genre features characteristic of folk riddles.

Калим сўзлар: топшимоқ, фольклор, оғзаки ижод, адабиёт, ёзма адабиёт, адабий топшимоқ, стилизация, анъана, табу.

Ключевые слова: загадка, фольклор, устное творчество, литература, письменная литература, литературная загадка, стилизация, традиция, табу.

Key words: riddle, folklore, oral art, literature, written literature, literary riddle, stylization, tradition, tabu.

Кириш. Дунё адабиётшунослигида бугунги кунда болалар адабиётининг анъанавий жанрларига бадиий-эстетик ҳодиса сифатида ёндашиб, поэтик хусусиятларини, яратилиш асосларини,

ижтимоий-психологик омилларини, ижодкор бадий маҳоратини очишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, фольклорнинг эртак ва топишмоқ сингари қадимий, анъанавий жанрларининг миллий болалар адабиётини юксалтиришдаги ўрнини, уларни стилизациялашда тақлид, ижодий таъсирланиш, имманент ва контекстуал ёндашув масалаларини асрлар давомида халқ ишонч-этиқоди асосида яратилиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган эртак ва топишмоқлар ҳозиргача ёшларни миллий маънавий қадриятлар заминида тарбиялашда восита бўлиб келмоқда.

Асосий қисм. Халқ оғзаки ижодининг алоҳида мустақил жанри сифатида эътироф этилиб келаётган топишмоқлар халқнинг турмуш тарзи ва қадимий эътиқодлари ифодаси сифатида юзага келган. Инсон ва уни ўраб олган олам топишмоқларда кўчимлар, ўхшатишлар, таққослашлар, қиёслар, солиштиришлар, саволлар воситасида ўзига хос поэтик шаклда акс этади. Бу жиҳати билан у инсоният бадий тафаккури тараққиётида фавқулодда ҳодиса бўлиб, унда образли зуҳур этган ҳаёт парчаси топишмоқнинг жавоблари орқали реаллашади. Жанрнинг поэтик табиатиға хос бўлган бундай умумий хусусият барча халқлар топишмоқларига тааллуқлидир.

Демак, у – халқаро жанр. Шу билан бирга, ҳар бир халқнинг топишмоғи ўша халқ ҳаёт тарзининг ифодаси сифатида ўзига хос оригинал, жозибали ва беназирдир.

Ўзбек халқ топишмоқлари тематик жиҳатдан ғоятда бой ва ранг-барангдир. Халқимиз ижтимоий-маиший турмушининг мамлакатимиз табиати, географияси, экологияси, наботот ва ҳайвонот оламининг, инсон ва коинотнинг бирор соҳаси йўқки, улар ҳақида бир-биридан гўзал, ғоятда ихчам ва сиқик топишмоқлар яратилмаган бўлсин. Ер ва осмон, дарё ва кўллар, тоғу тошлар, дов-дарахт ва ўрмонлар, мевазор боғлар ва кенг далалар, оила-рўзғор жиҳозлари ва меҳнат қуроллари, момақалдиروق ва чакмоқ, сел ва бўрон, зулмат ва ёруғлик, ой ва фасллар, ҳайвонот ва ўсимликлар олами, ўқув қуроллари ва мусиқа асбоблари, замонавий технология ва техника воситалари, инсон ва уни ўраб олган муҳит ҳақида кўплаб топишмоқлар тўкилиб, авлоддан-авлодга ўтиб, бизнинг кунларимизгача айтилиб келмоқда.

Шакли, вазифаси, иш-ҳаракати ва ҳолати жиҳатидан бир-бирига ўхшаш икки предмет, нарсава ҳодисадан жумбоқланиб, иккинчисига хос ўхшаш белгилар асосида уни топишга мўлжаллаб шеърый ёки насрий тузилишда берилган савол ёки топширик “топишмоқ” деб юритилади.¹

Топишмоқ – барча халқлар фольклорида, жумладан, ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳам мавжуд. Фольклорнинг энг қадимий, оммавий, анъанавий паремик жанрларидан бири бўлган топишмоқ жанрини, кейинчалик, ёзма адабиётда бевосита стилизация қилиш асосида луғз, чистон муаммо, мувашшах, таърих каби лирик жанрлар пайдо бўлди ва бадий такомилга эришди. Ўтган асрнинг иккинчи ярим йиллигидан бошлаб эса болалар шеъриятида адабий топишмоқлар яратиш тажрибаси шаклланиб, аста-секин ривожланиб борди.

Мумтоз шеъриятимизда Алишер Навоий луғзлари, Увайсий чистонлари анча шуҳрат қозонди. Улар аруз вазнида яратилди. Адабий топишмоқ яратиш анъанаси Махтумқули ва Дурди Қилич айтишувларида ҳам учрайди. XX асрга келиб бармоқ вазнида, содда тилда, ихчам шаклда оғзаки топишмоққа яқин турадиган шеърый кўринишдаги адабий топишмоқлар яратиш кенг тус олди. Бу жиҳатдан Ғ.Ғулом, Қ.Муҳаммадий, Ш.Саъдулла, С.Ғафуров, П.Мўмин, К.Турдиева, Н.Эрмат, М.Сайфиддинова каби шоирлар яратган топишмоқлар болалар адабиёти хазинасини бойитди.

Фольклоршунос З.Хусаинованинг ёзишича, топишмоқ ижросида қатъий анъаналар, ўзига хос тартиб-қоидалар, муайян тақиклар бўлган.² Топишмоқ ижроси учун камида икки киши – топишмоқ айтувчи ва унинг жавобини топувчи талаб этилади. Шу анъана инобатга олиниб, айрим адабий топишмоқлар диалог кўринишида яратилган:

*Бугдойзорда юради,
Ўроқ эмас, ўради,
Болғаси йўғу янчар,
Дон йиғар анча-анча.
Ўзи мисоли кема.
Хўш, ўртоқлар у нима?
– Рухсат беринг, айтайин,
Бунинг оти (комбайн).*

¹ О.Сафаров. Ўзбек халқ оғзаки бадий ижоди. Дарслик. Т., “Мусиқачи”, 2010, 382-бет.

² Хусаинова З. Ўзбек топишмоқлари. Т., “Фан”, 1966, 14-бет.

Топишмоқлар борки, улар айтилиши билан дарҳол жавоби топилади. Аммо топишмоқларнинг шундайлари ҳам борки, жавобини топиш анча қийин, ҳатто катта турмуш тажрибаси бор кишиларни ҳам ўйлантириб қўяди. Шунинг учун топишмоқ жавобни топишни енгиллаштирувчи қўшимча маълумотлар берилади.

Ўтмишда топишмоқнинг жавоби топилмаса, ечувчи томонидан “шаҳар” берилган. “Шаҳар олиш” ижроси топишмоқни топа олмаган кишини уялтириш, изза қилиш вазифасини бажарган.¹ Шундан кейингина айтувчининг ўзи топишмоқнинг жавобини айтган. Жавобини билмай туриб, топишмоқ айтиш қаттиқ қораланган.

Шуларни билган ҳолда, баъзи шоирлар ўз адабий топишмоқларини худди эртақлар каби бошлама мисралар орқали болаларни огоҳлантиришдан бошлашган. Масалан, Пўлат Мўмин топишмоқларини болалар эътиборига ҳавола қилишдан олдин шундай мисраларни келтиради:

*Қулоқ солиб тур ўртоқ,
Айтай сенга топишмоқ.
Эшитгач, бироз тўхта!
Ўйлаб олгин-да пухта,
Кейин қўлингни кўтар,
Бўлмаса галинг ўтар.
Топганига яраша,
Ҳар кимга дейман, яша!*

Топишмоқ фольклорнинг қадимий жанрларидан бири сифатида ибтидоий кишиларнинг жон ва рух ҳақидаги эътиқодий тасаввурлари, шартли яширин нутқ (табу), ўтмиш урф-одатлари асосида юзага келганлиги, муайян магик ёки ижтимоий вазифаларни бажарганлиги ҳақида юнон мутаффакири Аристотель,² инглиз олимлари Э.Б.Тайлор, Ж.Ж.Фрезер, ўзбек олимлари З.Хусаинова,³ М.Жўраева фикрлари эътиборлидир.

Дарҳақиқат, қуйидаги топишмоқда ижодкорнинг олов ва у билан боғлиқ ҳодисаларни табулаштириб, яъни аниқ номи билан эмас, яширин, кўчма ном билан ифодалаб, ўзига хос поэтик образлиқни вужудга келтиргани кузатилади:

*Қора илон буралиб,
Осмонга ўрлар.
Қизил илон турланиб,
Куйдириб ўртар. (Тутун, чўғ)⁴*

Ҳозирда топишмоқ бутунлай бадиий-эстетик вазифа ўтайдиган жанрга айланиб қолган.

Ўзбек халқ топишмоқларининг топишмоқ-мақол, топишмоқ-ўйин, топишмоқ-тез айтиш, топишмоқ-қўшиқ, топишмоқ-эртақ каби турлари кенг тарқалгани каби адабий топишмоқларнинг бундай турлари ҳам мавжуд, аммо уларнинг намуналари сал озчиликни ташкил этади.

Ф.И.Буслаев фикрича, фольклорнинг кичик жанрлари, жумладан, топишмоқ ҳам эртақдан ўсиб ва ажралиб чиққан. Шунинг учун талай эртақларда қаҳрамон ақлу фаросатини синаш шартли сифатида топишмоқлар учрайди.⁵

Адабий топишмоқларда анъанавий халқ топишмоқларининг шаклини, жумбоқлаш усуллари, асосан, сақлаб қолишга ҳаракат кучли. Масалан, Набижон Эрматнинг капалак ҳақида топишмоқ яратар экан, халқнинг у ҳақда билдирган “қони йўқ” деган маълумоти ва ифодасини сақлаб қолган, чунки бу капалакнинг энг муҳим белгиларидан биридир.

*Ўзи гул, гулни қучар,
Гулзорда яйраб учар.
Танасида йўқ қони,
Аммо унинг жони бор. (Капалак)⁶*

Жийда ҳақидаги қуйидаги топишмоқда ҳам халқона тасвир ва ифода деярли ўзгаришсиз сақланган:

¹ Шу манба. 14-бет; 17-бет.

² Аристотель. Поэтика. Тошкент, 1980, 45-бет.

³ Хусаинова З. Топишмоқлар. Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик, биринчи том, Т., “Фан”, 1988, 100–101-бетлар.

⁴ Эрмат Набижон. Тез айтиш ва топишмоқлар (матн). Тошкент, “Муҳаррир”, 2019, 43-бет.

⁵ Дарслик. 65 – 66-бетлар.

⁶ Эрмат Набижон. Тез айтиш ва топишмоқлар (матн). Тошкент, “Муҳаррир”, 2019, 56-бет.

*Қизил қопим лиммо-лим,
Ичи тўла ун.
Дастаси бўй-бўйлайди,
Ун ичидан бир устун. (Жийда)¹*

Қовоқ ҳақидаги қуйидаги топишмоқда ҳам шоирнинг халқона ифодани сақлаганини яна бир бор кўрамиз:

*Қўйиб берсанг палаклуб,
Деворлардан ошади.
Сариқ гулга бурканиб,
Ҳосил учун шошади.
Пишмаганда тош бўлар,
Пишганида ош бўлар. (Қовоқ)²*

Адабий топишмоқларда индивидуал ижодкорнинг дунёкараши, ўй-кечинмаси муҳим ўрин тутди.

Халқ топишмоқлари тузилиши жиҳатидан насрий ёки шеърий шаклга эга бўлса, адабий топишмоқларни, шеърий тузилишдаги топишмоқлар ташкил этади. Уларда шеър шаклига хос банд, мисра, вазн, турок, қофия, баъзан, ҳатто радиф ҳам кабиларга тўла амал қилинганлиги кузатилади. Бир предмет ҳақида бир неча вариантдаги халқ топишмоқларини учратиш мумкин бўлгани каби бир ижодкорнинг бир нарса ҳақида бир неча вариантда яратган топишмоғига дуч келиш мумкин. Масалан, Набижон Эрмат яратган 99 шеърий топишмоқнинг 26 ҳамда 97 таси хотин-қизлар қулоғига тақадиган “зирак” тақинчоғи ҳақида.

*Бувим, онам, синглимнинг
Қулоғидабор “гап”и.
Жилоланибтигранар,
Шу-да унинг одати. (Зирак)³*

*Митти гул чиройини,
Ўз акси деб билади.
Қулогингга осилиб
Жилоланиб туради. (Зирак)⁴*

Ҳар иккала топишмоқда ҳам қулоқда жилоланиб турувчи предметга ишора қилинаётганлиги эътиборлидир.

Адабий топишмоқлар поэтик жиҳатдан ўхшатиш ва қиёслашга, зидлантиришга, шартли кўчимага асосланиши, тузилишига кўра, жуда ихчам, ички ва ташқи қофияли, ҳаётий қамрови кенг шеър сифатида намоён бўлиши билан болалар шеърляти орасида алоҳида ўрин тутди.

*Шакллари ранг-баранг,
Юмалоқ, узун таранг.
Овқатда кўрсанг ўртоқ,
Еявер уймай қовоқ.
Уругидан е пича,
Ундан қўрқади гижжа.⁵*

Жавоби қовоқ бўлган ушбу топишмоқда қовоқ шаклдош сўз сифатида қўлланиши натижа-сида тажнис санъати ҳосил қилинган. Бу шаклдош сўзларнинг ҳар иккаласи ҳам от туркумига тегишли. Бири полиз экини номини, иккинчиси инсон юз қисмида кўзнинг тепа қисмини номини англатади.

*Яшар жойи бог, чаманзор
Қанотидан таралар ифор.
Гул қидириб учар ҳалак
Ҳарир қанот, шўх...¹*

¹ Шу манба. 48-бет.

² Шу манба. 51-бет.

³ Шу манба. 46-бет.

⁴ Шу манба. 58-бет.

⁵ Shu manba. 33-bet.

Ёзма адабиётдаги муаллифли топишмоқлар, асосан, шеърый кўринишда яратилгани кузатилади. Шунинг учун уларда вазн, қофия, туроқ каби шеърый асарларга хос хусусиятлар кўриниб туради. Айниқса, халқ лирикаси учун хос бўлган бармоқ вазни уларда ҳам сақланган. Бироқ айрим ҳолатларда эркин вазнга ҳам асосланган. Бунга юқорида мисол қилиб келтирилган тўртлик шаклидаги топишмоқ далил бўла олади. Унинг биринчи, учинчи ва тўртинчи мисралари 8 бўғинли, иккинчи мисраси эса 9 бўғинли кўринишда яратилган.

Жониворлар ёки паррандалар ҳақидаги топишмоқларда уларнинг товушига тақлид қилувчи сўзлар орқали ўша жониворнинг номини айтишга ундаш ҳолати ҳам кўп кузатилади. Масалан:

Юрар сакраб бемалол,

Сузиш ҳам келмас малол.

Кўшиғи бор вақ-вақа,

Кўлдаги қувноқ ... (бака)²

Ушбу мисралар маснавий кўринишда а-а, б-б шаклида қофияланган.

Сичқон тутар тун қуши,

“Ҳаққу” деб айтар қўшиқ.

Япалоққушининг ўғли,

Қариндошидир бойўғли.

Айтақол олмай олмай “икки”

Бу қушининг оти... (укки)³

Ижодкор бу топишмоқда *Япалоққушининг ўғли* бирикмаси орқали Гулханийнинг “Зарбул-масал” асари қаҳрамонларига ишора қилган.

Адабий топишмоқнинг айримларида номи яширинган предмет ҳақида халқ орасида кенг тарқалган ибора ёки тасвирий ифодаларга алоҳида ўрин берилгани кузатилади. Масалан:

Паррандадир зотлари,

Потма эмиш отлари,

Кўшиғидир чирқ-чирқ-чирқ,

Тинмасак, чаққон ... (чумчук)⁴

Ёки:

Далалар маликаси,

Деҳқон бобо эркаси.

Онадек қучар бола

Сочлари тола-тола.

Зогора бўлар нони,

Бугдойга ўхшар дони. (маккажўхори)⁵

Бу топишмоқларнинг биринчисида чумчукка нисбатан *потма чумчук* иборасининг, дала ўсимлиги бўлган маккажўхориға нисбатан эса *дала маликаси* тасвирий ифодасининг қўлланиши шулар ҳақида билишга ундайди.

Сабзавотлар ҳақидаги топишмоқларда кўпроқ уларнинг шифобахшлигига эътибор қаратилади:

Олтин қозиқ, мис қозиқ,

Қуёнга хушхўр озиқ.

Кўзга беради дармон,

Бўйни ўстирар чунон.

Маълумки, халқ топишмоғида ҳам сабзига нисбатан *олтин қозиқ* метафораси ишлатилади. Шоира шу метафора ёнига *миф қозиқ* метафорасини ҳам қўшганча, сабзининг сариқ ва қизғиш хилари борлигига эътиборни тортишни мўлжаллаган.

Хулоса. Адабий топишмоқлар халқ топишмоқлари тузилиши ва услубида яратилган эсада, маълум бир шоир томонидан ижодий яратилганлиги учун адабий топишмоқ сифатида қаралади. Улар ритмик изчиллиги, бадий оҳангдорлиги, қофияларнинг мўл-қўллиги ва хилма-хиллиги

¹ Shu manba. 6-bet.

² Shu manba. 14-bet.

³ Hamidova Muhabbat. Topishmoqmi yo tez aytish. T., “O‘zbekiston”, 2018, 22-bet.

⁴ Shu manba. 24-bet.

⁵ Shu manba. 27-bet.

билан ажралиб туради. Топишмоқлар адабиёт ва санъат тараққиётига баракали таъсир этди. Улар адабиётимиз тарихида чистон, муаммо, мувашшах, таърих каби лирик жанрларнинг пайдо бўлиши ва ривожига катта аҳамиятга эга бўлди. Бугунги кунда топишмоқлар жуда катта маърифий ва тарбиявий аҳамиятга эга. Улар болалар ва ёшларимизнинг фикр доирасини кенгайтириш, топкирлигини ошириш ва муҳокама қобилиятини ўстиришнинг муҳим эстетик воситасидир.

Rahimova Bekposhsha (UrDU)

BUGUNGI ADABIY JARAYONDA XORAZMLIK YOSH SHOIRLARNING O'RNI

Annotatsiya. Mazkur maqolada bugungi adabiy jarayonga o'z hissasini qo'shayotgan xorazmlik yosh shoirlar ijodi xususida muxtasar ma'lumot beriladi. Ularning ijodidagi mavzular ko'lami, an'analariga ijodiy yondashuv, o'ziga xoslik masalalari tahlilga tortilgan.

Аннотация. В данной статье даётся краткий отчет о молодых хорезмских поэтах, которые вносят свой вклад в сегодняшний литературный процесс. Проанализированы свойственные им задачи, тематика их творчества, творческий подход к традициям.

Annotation. In this article, the information is given about the work of young Khorezm poets who are contributing to today's literary process. Analysis is about the volume of themes, a creative approach to tradition and issues of specificity in their works.

Kalit so'zlar: shoir, she'r, lirik qahramon, doston, inson va zamon tasviri, lirik chekinish, badiiylik, mavzu, yosh ijodkor, Vatan mavzusi.

Ключевые слова: поэт, стихотворение, лирический герой, поэма, описание человека и времени, лирическое отступление, художественность, тема, молодой творец, тема Родины.

Key words: poet, poetry, lyric hero, poem, description of man and time, lyricism, artistry, theme, young poet, homeland theme.

Darhaqiqat, Xorazm azal-azaldan san'atkorlar, shoirlar, adiblar, alloma zotlar yurti sanaladi. Bugungi kunda ham Xorazm diyorida ulug' bobokalonlarning vorislari adabiyot ilmini, xususan, Xorazm she'riyatini, dunyoga tanitayaptilar. Ustoz ijodkorlar E.Samandar, E.Madrahimov (Oshiq Erkin), Komil Avaz, M.Abdulhakim, B.Ro'zimuhammad kabi shoirlar izidan borib, o'z yo'li va uslubini topishga harakat qilayotgan yosh shoirlar ko'pchilikni tashkil qiladi. Bugungi yosh shoirlar ijodida an'anaviy barmoq vaznidagi she'rlar bilan bir qatorda, modern yo'nalishdagi she'rlar ham talaygina.

N.Yangiboyeva, M.Ibodullayeva, Z.Nurmonova, Z.Masharipova, U.Sobirova, U.Nurzoda, O.Mengliyev, Otabek Safar, Malohat Baxt, Zumrad Daryo, Shohruh Sardor kabi yosh ijodkorlar o'z she'rlarida ona-Vatanga muhabbat, do'stga sadoqat, muhabbat tuyg'ularini tarannum etadilar. Eng muhimi, bu yoshlar tarannum etayotgan mavzular sodda va samimiyligi, beg'uborligi hamda barcha mavzularni qamrab olganligi bilan e'tiborlidir. Muhimi shundaki, navqiron avlod o'z izlanishlarida inson shaxsiga, jamiyatga, ijtimoiy voqelikka, ma'naviy-intellektual, axloqiy qadriyatlarga nisbatan yangicha nuqtayi nazarlarni ko'ramiz.

Olam va odam sinoatlarini yangicha tushunishga, anglatishga chog'langan mayllardan, safarbar etilgan istaklardan o'quvchining bahri-dili ochiladi. Ana shu yangicha qarashlar dunyoni yangicha ko'rishga hamda tushuntirishga qaratilgan mohiyati bilan yaxlitlik kasb etayotir. Yosh avlodning qiziqishlari va intilishlarini yaxlit bir o'zanga solib, birlashtirib turgan bosh omil – bu har bir shoir o'z ko'nglida kechayotgan jarayonlarning kechinmalar tariqasidagi ranglarini, fikr-mushohadalar uyg'otgan to'lqinlarini yangi-yangi obrazlar tiliga ko'chira olganligi bilan belgilanadi. Zero, poetik shakllar xilma-xilligi va ijodiy individualliklar rang-barangligida, badiiyatning boyligida namoyon bo'ladi.

Bugungi yosh avlod she'rlarida mavzular turfa rang bo'lishi bilan bir qatorda, badiiyatning yuksakligiga intilish kuchli ekanligini ham kuzatamiz. Bugungi xorazmlik yosh ijodkorlar azaldan ma'rifat-u madaniyat, adabiyot-u san'at maskani bo'lib kelgan azim vohaga munosib avlod bo'lishga intilayotgan yoshlardir. O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Xorazm viloyat bo'limi qoshida "Oydin orzular" to'garagi faoliyat yuritadi. Mazkur to'garakka nasr va nazm yo'nalishida ijod qiladigan xorazmlik yosh ijodkorlar to'plangan. Ustozlar izidan dadil qadam tashlab borayotgan yosh avlod vakillarining ijod mahsullarini o'qib, inson qalbi faxr va iftixorga to'ladi. Sevinch Yoqubova, Akmal Jumanioyozov, Otabek Odil kabi yosh shoirlarning ilk kitoblari O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi qoshidagi "Ijod" jamoat fondi tomonidan "Birinchi kitobim" loyihasida yigirma ming nusxadan chop etilib, mamlakatdagi o'quv dargohlariga tarqatilgani ham ular iste'dodining qadrlanganligidan dalolat beradi.